

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЕМИРОВА МАҲБУБАХОН АЛИБЕКОВНА

ЎЗБЕК ВА ҚИРҒИЗ ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ТИПОЛОГИЯСИ

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Темирова Махбубахон Алибековна Ўзбек ва қирғиз мақоллари типологияси	3
Темирова Махбубахон Алибековна Типология узбекских и киргизских пословиц	23
Temirova Makhbubakhon Alibekovna The typology of uzbek and kyrgyz proverbz	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	49

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЕМИРОВА МАҲБУБАХОН АЛИБЕКОВНА

ЎЗБЕК ВА ҚИРҒИЗ ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ТИПОЛОГИЯСИ

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2017.2.PhD/Fil.165 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мирзаева Салимахон Райимжоновна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Турдимов Шомирза Ғаниевич**
филология фанлари доктори

Жамгырчиева Гулина Толобаевна
филология фанлари доктори (Қирғизистон)

Етакчи ташкилот: Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Назаров
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., академик

Р.Баракаев
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Т.М.Мирзаев
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.

Дунё фольклоршунослигида маданий меросга нисбатан янги нуктаи назар, соф илмий дунёқараш айти пайтда кенг шаклланди. Бу борада жанрлар типологияси ва уларнинг назарий-амалий аҳамиятига оид фундаментал асарлар юзага келди. Уларда олиб борилган тадқиқотларда мақол ва унинг ўзига хос жанрий хусусиятлари, таснифи, бадииятига алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ мақолнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, генезиси ва қиёсий ўрганиш масалалари, типологик жиҳатдан бугунги кун фольклоршунослиги мезонлари асосида тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон фольклоршунослигида номоддий маданий меросни асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш, уларни ёшлар онгига сингдириш, миллий ўзликни англаш ва тадқиқ этишда фольклор жанрлари типологиясига доир қарашлар янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, халқ мақолларини ижтимоий, маданий, иқтисодий ва диний-мафкуравий сатҳларда қардош халқлар ўртасида қиёсий-тарихий ва типологик нуктаи назардан тадқиқ этиш уларнинг муштарак ва фарқли жиҳатларини кўрсатишга хизмат қилади. Зеро, халқнинг асрлар давомидаги ҳаётий тажрибалари, фалсафий-ахлоқий қарашлари, маънавий қиёфаси ва донишмандлигини ўзида ихчам тарзда ифодалайдиган мақоллар ҳар бир халқ ҳаёт тарзи тақозосидан келиб чиқиб яратилганлиги уларнинг типологик ўзига хосликларини белгилашда алоҳида ўрин тутди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда фундаментал фан натижаларини амалиётга тадбиқ этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Айти пайтда мазкур йўналишдаги изланишлар янги босқичда давом этмоқда. Зеро, “бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”¹. Фольклоршуносликда турли халқлар этногенезиси ҳамда фольклоридаги ўхшаш хусусиятларни янги нуктаи назардан тадқиқот методлари билан ўрганишга эътибор тобора кучайиб борапти. Бинобарин, азалдан бир заминда яшаб келган икки миллат мақолларини қиёсий ўрганиш манфаатли муносабатларни барқарорлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Шу билан бирга мазкур масаланинг махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши ҳар икки халқ фольклоршунослиги учун зарур илмий умумлашма ва хулосалар чиқаришга имкон беради. Шу боис ўзбек ва қирғиз халқ мақолларини қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил 23 декабрь. -№ 258.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сонли, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сонли қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010 - 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси. Дунё фольклоршунослигида мақол жанри ва унинг ўзига хос хусусиятини ўрганишга доир қатор тадқиқотлар яратилган. Жумладан, Ф.Буслаев мақолнинг алоҳида жанр эканини асослашга ҳаракат қилган бўлса, Ҳ.Вамбери ва Н.Остроумов ўзбек халқ мақолларини дунё халқларига етказишда алоҳида хизмат қилганлар. В.Даль эса рус халқ мақолларини тўплаб нашр этган².

Туркий халқлар мақолларини тўплашда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари алоҳида ўрин тутса, Гулҳаний “Зарбулмасал”ига ҳам бир қатор ўзбек халқ мақоллари киритилган. Ўзбек халқ мақолларини тўплаш ва нашр этишда М.Афзалов, Ҳ.Зарифов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, А.Мусақуловларнинг хизматлари алоҳида бўлса³,

² Буслаев Б.И. Исторические очерки русской народной словесности и искусства. – Т. 1. – СПб, 1861. – С. 80; Вамбери Х. Чигатой тили дарслиги. – Лейпциг, 1867; Остроумов Н. П. Пословицы и загадки сартов / Этнографические материалы. Вып. III. – Ташкент, 1895; Даль В.И. Пословицы русского народа. – М.: Гослитиздат, 1957. – 991 с.

³ Ўзбек халқ мақоллари. Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, Худойберганов, С. Иброҳимов. – Тошкент: Ўздавнашр, 1958; Ўзбек халқ мақоллари / М.Нурмухамедов, М.Қўшжонов, Б.Саримсоқов. – Тошкент: Фан, 1978; Ўзбек халқ мақоллари / М.Нурмухамедов, М.Қўшжонов, М.Муродов. – Тошкент: Фан, 1981; Ўзбек халқ мақоллари / Тузувчилар: Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Мадраҳимова – Тошкент: Фан, 1984; Ўзбек халқ мақоллари / Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов. – Тошкент: Фан, 1987; Ўзбек халқ мақоллари. Т.1. А-О / Маъсул муҳаррирлар: Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов. – Тошкент: Фан, 1987; Ўзбек халқ мақоллари. Т.2. П-Х. / Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов. – Тошкент: Фан, 1988; Ўзбек халқ мақоллари / Т.Мирзаев, А. Мусақулов,

Б.Соатов ва Х.Шарафиддинов ўзбек халқ мақоллари бўйича номзодлик диссертацияси ҳимоя қилганлар⁴, М.Афзалов, Б.Саримсоқов, О.Мадаев, Б.Соатов, Б.Жўраева, Д.Раҳимбоева, Ф.Райҳонов ва бошқаларнинг мавзуга оид турли мақолларида ҳам бу жанр хусусиятлари атрофлича ёритилган⁵.

Қирғиз халқ мақоллари эса К.Юдахин, К.Мифтаков, Б.Керимжанова, П.Коновалов, С.Закиров, Ж.Төлөев, З.Бектенов, Т.Байжиев, С.Мусаев, Ж.Таштемиров, И.Абдурахманов, Чекменев, Ж.Ашубаев, А.Убукеев, Ю.Цылев, С.Гапаров, К.Рысалиев, Б.Абдубалиева каби олимлар томонидан тўпланиб, тадқиқ этилган⁶.

Мазкур ишларнинг аксарияти нашр этилган мақоллар тўпламидан ва мақол жанрининг у ёки бу жиҳатини ўрганишдан иборат бўлиб, ўзбек ва қирғиз мақоллари қиёсий-типологияк нуқтаи назардан ўрганилмаган. Шу боисдан ҳам ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг умумтуркий фольклор контекстида бир негизга мансублиги, мақолларнинг яратилиш тарихи ва вужудга келиш асосларини текшириш орқали улар орасидаги муштарак ва фарқли жиҳатларни аниқлаш, мақолларнинг тадрижий тараққиёт босқичларини ўрганиш, халқнинг фалсафий ва бадий-эстетик қарашларида ижтимоий-тарихий ва географик муҳитнинг ўрнини белгилаш, ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг структурал ҳамда поэтик типологияси масалалари ишда илк бора монографик тадқиқ этилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Б.Саримсоқов. – Тошкент: Шарқ, 2003; O`zbek xalq maqollari / T.Mirzaev, Sh.Turdimov. – Toshkent: Sharq, 2012.

⁴ Соатов Б. Жанровая специфика и поэтические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990; Шарафиддинов Х. Рифма и её функционально-стилистические особенности в структуре узбекских пословиц: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986.

⁵ Афзалов М. Ўзбек халқ мақоллари ҳақида / Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1958; Саримсоқов Б. Мақоллар / Ўзбек фольклори очерклари. Т.1. – Тошкент: Фан, 1988. 288.б.; Саримсоқов Б. Халқ тафаккурининг олмос қатралари / Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 336-350; Шу муаллиф. Мақоллар ҳақида / Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 1978. – Б. 197-213; Мадаев О. Мақоллар оламида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984; Соатов Б. Ўзбек халқ мақолларининг жанр хусусиятлари ва поэтикаси. – Тошкент, 1994; Шу муаллиф: Паремиялогик жанрларнинг ўзаро муносабатлари масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – Б. 36-38; Шу муаллиф: Мақолнинг жанр табиатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – № 6. – Б.38-39; Шу муаллиф: Ўзбек халқ мақоллари поэтикасига доир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1992. № 5-6. – Б.41; Жўраева Б. Мақолларда синонимия ҳодисаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. № 5. – Б 58-61; Раҳимбоева Д. Мақолларнинг таркибий тузилишидаги типологияк хусусиятлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. № 5. – Б. 48-49; Шу муаллиф: Синонимик мақоллар // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2001. № 4. – Б.36-37; Райҳонов Ф. Мақолларда қофия // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. № 4. – Б.36.

⁶ Кыргыз Илимдер Академиясынын Тил жана адабият институтунун кол жазма фондусу. Инв. 433, 1927. Мақалдар; Мифтаков К. Русско-киргизский словарь под редакцией проф. К.Юдахина. – М., 1957; Кыргыздын макалдары менен лакаптары. Түзүүчү Б.Керимжанова. – Фрунзе: Кыргызмамбас, 1948; Кыргыз элинин макал жана лакаптары. Түзүүчү Б.Керимжанова. – Фрунзе, Кыргызмамбас, 1955; Коновалов П.К. Киргизские пословицы и поговорки. – Фрунзе, 1948 – Инв № 798; Закиров С. Кыргыз элинин макал, лакаптары. – Фрунзе: Мектеп, 1972; Төлөев Ж. Кыргыз макал-лакаптары. – Фрунзе, 1985; Бектенов З., Байжиев Т. Кыргыз адабияты. – Фрунзе, 1993; Мусаев С., Таштемиров Ж. Кыргыз адабияты. – Фрунзе, 1954; Гапаров С. Кыргыз макал, лакаптарынын синтаксистик түзүлүшү. – Фрунзе: Мектеп, 1979; Рысалиев К. Кыргыз ырларынын түзүлүшү / Макал – лакаптардын да поэтикасы үйрөнүлгөн. – Фрунзе, 1965; Абдубалиева Б. Түрк элдеринин макалдарынын жалпылыктары жана өзгөчөлүктөрү: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Каракол, 2009.

Тадқиқот Андижон давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси илмий-тадқиқот режаси ҳамда мазкур университетининг ЁФ-8-08 “Масал ва масал типига асарларнинг қиёсий типологик тадқиқи” (2010-2011) мавзуидаги фундаментал илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг юзага келиш тарихи, тараққиёт омилларини аниқлаш, тадрижий тараққиёт босқичларини текшириш, халқ фалсафий ва бадиий эстетик қарашларининг шаклланишида ижтимоий-тарихий ва географик муҳит ўрнини таҳлил этиш, ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг структурал, поэтик типологиясини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек ва қирғиз халқ мақолларини қиёсий-типологик жиҳатдан ёритиш;

мақолларнинг жанр хусусиятлари ва поэтик табиатини белгилаш;

ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг яратилиш тарихи ва вужудга келиш омилларини кўрсатиш;

мақолларда миллий менталитетнинг ўзига хос жиҳатларини қиёсий-типологик асосида ёритиш;

ўзбек ва қирғиз халқлари фольклоршунослиги тараққиётида мақолларнинг ўрни, функциясини кўрсатиш асосида аниқ хулосаларга келиш;

ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг ўхшаш ва фарқли хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш;

ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари мавзу кўламининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ёритиб бериш;

ўзбек ва қирғиз мақолларининг тили, образлар тизими ва бадиий хусусиятларини қайд этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек ва қирғиз фольклоридаги аналогик мақолларнинг юзага келиш тарихи, ўзига хос лисоний хусусиятлари, тематикаси, бадиий тил хусусиятлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек ва қирғиз халқлари мақолларининг мазмуний, шаклий, ғоявий, бадиий хусусиятларини қиёсий тадқиқ этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал-семиотик ҳамда этнофольклористик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг яратилиш тарихи ва вужудга келиш омиллари, халқ фалсафий ва бадиий-эстетик қарашларининг шаклланишида ижтимоий-тарихий ва географик муҳит ўрни, шунингдек, ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг структурал, поэтик типологияси масалалари ёритилган;

фольклордаги энг кичик жанр тадқиқи орқали ўзбек ва қирғиз мақолларининг генетик муштараклиги, ўзига хослик ва фарқли хусусиятлари асослаб берилган;

умумтуркий фольклордаги ўзбек ва қирғиз халқи томонидан яратилган мақоллар мавзу кўлами, ғоявий, бадиий жиҳатдан ўзаро яқин бўлса-да, бир қатор тафовутлар мавжудлиги ҳам исботланган;

ёнма-ён яшовчи халқларда бўлганидай икки халқ урф-одатлари, анъана ва маросимларидаги муштаракликлар мақолларда ҳам мавжудлиги, унда ҳар икки халққа хос урф-одат, анъана ва маросимларнинг моҳияти акс этиши илмий асосланган;

ҳар икки халқ оғзаки ижодида ҳам шеърий ва насрий мақоллар мавжуд бўлиб, мақоллардаги бадиий образлар ўртасида ўхшашликлар мавжудлиги далилланган, ҳар икки халқ мақолларининг структурал ва бадиий хусусиятлари қиёсий ёритилган;

ўзбек ва қирғиз мақолларининг тарихий тараққиёти, мавзу кўлами, образлар тизими, структураси, бадиияти типологик нуқтаи назардан яхлит далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва қирғиз мақолларининг генетик муштараклиги илк бор монографик планда қиёсий ёритилган;

ўзбек ва қирғиз мақолларининг тарихий тараққиёт босқичларига оид манбалар тўпланиб, жаҳон фольклоршунослигининг янгича тамойиллари асосида ишлаб чиқилган;

типологик ўхшашлик ва ўзига хос хусусиятларни тадқиқ этиш орқали белгиланган хулосалар ўзбек фольклоршунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, фольклор тарихи, тилшунослик, диалектология, қиёсий фольклоршунослик, лингвофольклористика каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши далиллаб берилган;

ўзбек ва қирғиз мақолларининг тарихи, жанрий белгилари, бадииятини ўрганишда энг ишончли манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши асосланган;

ўзбек ва қирғиз мақолларидаги муштараклик ва ўзига хосликлар ўзбек фольклорида мақолларнинг жанрий хусусиятларини, мавзу доирасини белгилаб олишда, шунингдек, ўзбек мақолларининг қардош халқлар ва дунё фольклори билан типологик ўхшашликларини ўрганишда муҳим фактик материал бўлиб хизмат қилиши исботланган;

ўзбек ва қирғиз халқ мақолларидаги муштарак образлар олами, ритмик-синтактик тузилиши, тили, композицияси, ғоявий-бадиий хусусиятлари типологик ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-типологик ҳамда структурал-семиотик таҳлил каби усуллар билан асослангани, ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг ўзаро генетик

муштараклиги, ўзига хос хусусиятлари, мавзу кўлами ва типологик бадиияти масалаларини таҳлил этишда ўзбек ва қардош қирғиз фольклорининг турли даврларига оид ишончли манбаларига таянилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар нафақат ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг тарихий асослари ва бадииятини тадқиқ этиш, балки унинг тарихий тараққиётида юз берган жанрий ўзгаришлари юзасидан мавжуд илмий хулосаларни кенгайтириш ва тўлдиришга ҳам асос беради. Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг ўзаро қиёси, жанрий хусусиятлари, типологик ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари, бадииятига оид қарашлар паремиологик жанр ҳамда умумфольклор масалаларининг ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўзбек ва қирғиз мақолларидаги ўхшаш ва фарқли хусусиятларнинг типологик талқини ҳамда бадиияти борасидаги хулосалар ва илмий қарашлар ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва монографияларнинг мукаммаллашувига, шунингдек, ўзбек фольклори мақолларини тематик таснифлашда зарурий илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг ўрганилиши, генетик муштараклиги, ўхшаш ва фарқли хусусиятлари, бадиияти билан боғлиқ вазифаларни тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг лингвистик хусусиятларига оид илмий натижалардан Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида Ф1-ФА-0-55746 “Марказий Осиё халқлари адабий қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини тўплаш ва уларни илмий тавсифлаб, нашрга тайёрлаш” (2012-2016) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 февралдаги 89-03-576-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида нашр этилган “Тўтинома” ва “Қуш тили” типидagi асарларнинг қиёсий-типологик ва текстологик тадқиқи” монографияларида масал ва мақол жанрлари муносабатларини илмий асосда ёритишга эришилган;

Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг “Муносабат”, “Олтин халқа” каби кўрсатувлари ҳамда “Эркин фикр”, “Шукрона” эшиттиришлари ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари мисолида уларнинг турмуш тарзи ва урф-одатидаги муштаракликлари, мақолларнинг ёшлар тарбиясидаги ва икки қардош халқ ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти каби фикрлар билан бойитилган (Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 23 январдаги 20-24/3-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабинлар ҳамда радиоэшиттириш мухлислари ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг поэтикаси, образлар тизими ва мавзу кўлами ҳақида янги маълумотларга эга бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан ўтказилган семинарларда, Қирғизистонда Ўзбекистон ҳукумат делегацияси аъзоси сифатида дўстона қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2016 йил 26 октябрда ўтказилган “Дўстлик ришталари” тадбирида, 2016 йил 26 октябрда Андижон давлат университети билан Ўш давлат университети ўртасида имзоланган Меморандум асосида 2017 йил 20 ноябрь ва 7 декабрдаги ўзаро алоқаларда диссертация ҳамда “Ўзбек ва қирғиз фольклорида мақоллар муштараклиги” ўқув қўлланмасидаги фикрлар ва хулосалардан фойдаланилган (Қирғиз миллий маданий марказининг 2018 йил 17 январдаги 24-сон маълумотномаси). Натижалар икки халқ қўшничилик алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларнинг мазмунли ташкил этилишига хизмат қилган;

қирғиз тилидаги мактабларнинг 4-синф ўқувчилари учун “Эне тил” (“Она тили”) дарслиги, шунингдек, 5-синф (2015), 10-синф (2017) ўқувчилари учун ҳаммуаллифликдаги “Қирғиз тили” дарсликларида, 7-синф (2017), 10-синф (2017) ўқувчилари учун ҳаммуаллифликдаги “Адабият” дарсликларида қирғиз халқ мақолларининг лингвистик ва тематик турларига оид назарий фикрларидан фойдаланилган (дарсликлар Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган). Натижада ўқувчиларнинг халқ оғзаки ижоди, хусусан, мақолларга оид билимларини оширишга, уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва ҳамдўстлик туйғуларини шакллантиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 37 та илмий иш, жумладан, 1 та рисола, 5 та дарслик, илмий журналларда 15 та мақола, хорижий илмий журналларда 3 та мақола; Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 166 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мазкур изланишларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг

илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Мақолларнинг жанрий хусусиятлари ва ўрганилиши масалалари”** деб номланиб, унда ўзбек ва қирғиз мақолларининг фольклоршунос олимлар томонидан илмий-назарий ўрганилиши, ҳар икки халқ мақолларининг жанрий хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Бобнинг дастлабки фасли **«Ўзбек ва қирғиз мақолларининг ўрганилиши масалалари»** деб номланади. Қадимдан туркий тилда сўзлашувчи қирққа яқин халқлар бир-бирлари билан ёнма-ён, қўни-қўшни бўлиб яшаганлар. Шунинг учун уларнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, маросим ва удумлари, анъаналарида уйғунлик мавжуд, шунингдек, бадиий тафаккури, эътиқодий қарашлари, моддий, маданий бойликлари, адабиёти, санъатида ўзаро ўхшашликларни кузатиш мумкин.

Мутахассислар мақол жанрининг қисқа, бироқ мураккаб тузилишига эга эканлигини урғулашади. Бу фикрни фақат ўзбек олимлари эмас, балки, қирғиз, қozoқ, турк, рус ва бошқа халқлар олимлари ҳам таъкидлашади.⁷ Шундай экан, мақолни шунчаки оддий, содда ва жўн, кичик бир жанр намунаси сифатида эмас, балки маълум бир халқнинг тили, сўз санъати тарихи ва тафаккур тарзини ўзида тўла намоён этувчи бадиий ҳодиса деб тушуниб, ҳам тилшунос, ҳам филолог, ҳам файласуф сифатида ёндашишни талаб этади.

Фольклорнинг бу кичик жанрида халқнинг ўзига хос табиати, руҳий олами, турмуш тарзи, тарихий, ижтимоий, этнографик, этнопедагогик, фалсафий, диний ва бадиий-эстетик қарашлари акс этган. Мақолларда халқ оммасининг реал воқеа-ҳодисалар ва кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатлар ҳақидаги мантиқий хулосалари, шунингдек, кўп йиллик ҳаётий тажрибалари натижасида юзага келган пурҳикмат хулосалари мужассамлашган.

Қадимда туркий халқлар адабиётида мақол жанрини англаувчи “*saw*” атамаси ва “оталар сўзи” бирикмаси қўлланилган.⁸

Маҳмуд Кошғарий ўз асарида туркий халқлар мақолларидан келтирибгина қолмай, уларга изоҳлар ҳам бериб ўтган. Ишда «Девону луғотит турк» асарида туркий халқлар орасида кенг ёйилган 300 дан ошиқ мақол ва маталлар мавжудлиги, уларнинг аксарияти бугунги кунда унутилгани, айримлари эса тилимизда маълум ўзгаришлар билан ишлатилиб келинаётгани таҳлилга тортилди. Шунингдек, тадқиқотда Алишер Навоий, Муҳаммад Шариф Гулханий, Сулоймонкул Рожий каби

⁷ Пермяков Г. Л. От поговорки до сказки. – М.: Наука, 1970. – С.8.

⁸ Кошғарий М. Девону луғотит турк. 3 томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1963. – Б.168-169.

№шоирлар асарларида келтирилган мақоллар халқ мақолларига қиёсан тадқиқ этилди.⁹

Тадқиқотда венгер олими Х. Вамберининг «Чиғатой тили дарслиги» хрестоматиясида 112 та, Н.П. Остроумовнинг тўпламларида эса саккиз юздан ошиқ мақоллар келтирилгани изоҳланиб, бу нашрларнинг туркий халқлар мақолини ўрганишдаги ўрни ва аҳамияти тадқиқ этилди.

Кўпгина тадқиқотларда мақол ва маталларнинг ўхшаш ва тафовут жиҳатлари ҳақида сўз юритилади. Рус фольклоршунослари В.Даль, И.Снегирев, А.Потебня, Ф.Буслаев ишларида мақол ва маталларни фарқлаш, улар ўртасидаги қатъий мезонлар¹⁰, мақол ва маталлар дифференциацияси масаласи эса М.Рыбникова, О.Широкова, В.Фелицына, С.Гаврин, А.Бабкин, А.А.Молотков, В.Жуков, В.Мокиенко, Н.Шанскийлар тадқиқотларида атрофлича ёритилган.

Ўзбек фольклоршуносларидан Ҳ.Зарифов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, Б.Соатов, О.Мадаевларнинг тадқиқотларида ҳам мақол ва маталнинг муносабати масаласига тўхталиб ўтилган.¹¹

Қирғиз фольклоршуноси Б.Керимжанова ўз фикрини қуйидагича билдиради: “Мақал көп учурда белгилүү бир түйүндүү пикирди айтып, қыска-қыска, кээде уйкалышып сүйлөнө турган болсо, лакап көбүнчө сөздүн сыртқы сулуу, кооздугуна карап бир нерсени таалим катары калтыруу үчүн айтылат”¹².

Қирғиз фольклоршунос олими С. Мусаев эса мақол билан матал шаклий тузилиши, айтилиши, хулосаланиши билан бири-бирига жуда ҳам ўхшаш эканлигини, шу билан бир қаторда фарқли жиҳатлари ҳам борлигини таъкидлайди.¹³

Мақоллар уларда ифодаланган ҳикматли мазмун билангина эмас, балки ҳаётнинг турли ҳодиса ва ҳолатларига ана шу мазмуннинг мутаносиб келиши билан ҳам характерланади. Бу эса турли халқларда бир-бирига ўхшаш ёки айнан бир хил аналогияга эга мақолларнинг мавжудлиги сабаби фақат фольклорлараро муносабат эмас, балки у ёки бу халқларнинг узок асрлик тўпланган тажрибалари маҳсули деган фикрни тасдиқлайди. Ўзбек халқ мақолида вақт қадри “*Вақтинг кетди - нақдинг кетди*” шаклида изоҳланса, қирғиз мақолида “*Убакыттан уттурганың – ырыскыдан куру калганың*”, рус мақолида “*Время деньги*”, инглиз мақолида “*Time is money*” шаклида келишини кузатиш мумкин.

Маталларда эса бу каби аналогиялар деярли учрамайди. Хусусан, ўзбек халқидаги “*Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр*” матали бошқа халқларда айнан шу конструкцияда қўлланмайди. Қирғиз халқ

⁹ Қаранг: Саримсоқов Б. Мақоллар / Ўзбек фольклори очерклари. 3 жилдлик. 1- жилди. –Тошкент: Фан, 1988. – Б. 88; Мадаев О. Мақоллар оламида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984. –Б. 10-11; Соатов Б. Ўзбек халқ мақолларининг жанр хусусиятлари ва поэтикаси. – Тошкент, 1994. – Б. 18-20.

¹⁰ Даль В.И. Русские народные пословицы и поговорки. – М., 1989. – С.14.

¹¹Саримсоқов Б. Мақоллар / Ўзбек фольклори очерклари 3 томлик.1-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.89.

¹² Керимжанова Б. Кыргыз элинин мақал-лакаптары. – Фрунзе,1948. – Б. 10.

¹³ Мусаев С., Таштемиров Ж. Кыргыз адабияты. – Фрунзе, 1954. – Б. 188.

паремиологик фондидаги “Манаке”, “Ола байтал, ақлинг бўлса сувга торт” маталлари айнан шу халқ томонидангина истеъмол доирасида қўлланади.

Тадқиқотда мақоллар тугал фикр англатиши, маталларда эса бу хусусият мавжуд эмаслиги, мақоллар контекстан ажратилган ҳолда ҳам мустақил мазмун ифодаланиши, маталлар эса муайян нутқий вазиятда, яъни контекст ичидагина белгиланган функцияни бажариши таҳлил этилди.

Халқ мақолларининг маъно-мазмунини, ситуатив стилистик хусусиятларини, структураси ва семантикасини типологик жиҳатдан қиёсий ўрганиш фольклоршуносликдаги энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланди.

“Мақолнинг жанрий хусусиятлари ва вазифалари” деб номланган фаслда мақол жанрига хос хусусиятлар ва унга юклатилган вазифалар таҳлил этилди.

Фольклор асарларини жанрий мансублигига қараб бири-биридан фарқлаш аҳамиятли эканини таъкидлаш зарурдир. Чунки уларнинг табиати, пайдо бўлиш, ривожланиш, диффузион ўзгариш ва ўз ўрнини бошқа жанрга бўшатиб бериш жараёнини кузатиш асосида фольклорга хос қонуниятларни ўрганиш, умумлаштириш имконияти юзага келади.

Диссертацияда мақоллар жанрий хусусиятларидан келиб чиқиб қуйидагича: 1) **жанрий хусусиятларига кўра**; 2) **тузилишига кўра**; 3) **мазмунига кўра** фарқланиши ўзбек ва қирғиз мақолларидан олинган мисоллар асосида таҳлил этилди.

Ҳар икки халқ оғзаки ижодида мақоллар ибратли, ҳикматли сўз, донишмандлик хулосаси сифатида асосий жанр бўлиб ҳисобланади. Бу жанр умумтуркий фольклорда жуда қадимдан тараққий этиб келади ва ривожланиш жараёнида атама изоҳи ва шакл, мазмун мундарижаси сайқалланиб келмоқда.

Тадқиқотда ўзбек ва қирғиз мақолининг еттита: **моделлаштириш** (“*Оила тинч – юрт тинч*”. Қирғиз халқ мақолида: “*Ҳй чабышып, мал тийсе, тынчы кетет элиңдин*”); **ўғит, панд, насиҳат бериш** (“*Аччиқ – душман, ақл – дўст*”. Қирғиз халқ мақолида: “*Ачуу – душман, акыл – дос*”); **прогностик** (“*Куёвдан неvara қолар, Неvaraдан эvara қолар*”, “*Баатыр элден чыгат, байлык жерден чыгат*”); **магик** (“*Кўрганнинг кўрмагани курсин, Кўрмаганнинг – кўргани*”, “*Теректей бой бергенче, теменедей акыл берсин*”); **негатив-коммуникатив**; **қизиқтириш**; **орнаментал** каби функциялари алоҳида ажратилиб таҳлил этилди. Бу каби функциялар ҳар бир паремияга алоқадор бўлиши мумкин, лекин улардан биригина доминант (асосий ғоя) ҳисобланади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Ўзбек ва қирғиз мақолларининг мавзу кўлами”** деб номланиб, мақолларнинг мавзу кўлами ҳар бир халқнинг ҳаёт тарзи ва атроф оламга муносабатидан келиб чиқиши ҳамда ўзбек ва қирғиз мақолларида акс этган маданий омиллар, урф-одат ва

миллий қадриятларнинг мақоллар маъно кўламига таъсири масалалари қиёсий тадқиқ этилган.

Мақоллар мавзу доирасининг ғоятда кенглиги, табиат, жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олганлиги билан ажралиб туради.

“Мақолларда ижтимоий ҳаёт ва табиат тасвири” номли дастлабки фаслда ҳар икки халқ мақолининг мавзу кўлами таҳлилга тортилди.

Халқ оғзаки поэтик ижодида миллий-маданий мазмун, табиат хусусиятлари, иқтисодий-маиший ҳаётнинг қирралари, давлатнинг ижтимоий тузилиши, халқ тарихи ва одатлари муҳим ҳисобланади.

Ўзбек ва қирғиз халқида деҳқончилик, чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, йил фасллари, табиат ҳодисалари каби мавзуларда мақоллар яратилган. Ўзбек ва қирғиз халқ паремиологик хазинасида жуда кўплаб ўхшаш мақоллар мавжуд. Халқлар ўртасида тарқалган ўхшаш мақоллар этник бирлик даврида яратилган. Масалан, ўзбек халқи орасида кенг тарқалган: *“Ўтти ковласанг ўчар...”* мақоли қирғиз халқида ҳам *“Отту көөлөсөң өчөт...”* шаклида мавжуд. Ушбу мақол мазкур жанрнинг энг қадимги намуналаридан биридир. Бу каби мақоллар инсон олов ҳосил қилишни билган, ўрганган ва оловга сиғинган даврда пайдо бўла бошлаганлиги ва шу жараён билан бевосита боғлиқлиги кўриниб турибди. Мақолнинг параллел қўйилган иккинчи компоненти ана шундай фикрга асос бўлади. Яъни, *“Оловга тегсанг, ўчар, қўшинингга тегсанг, кўчар”*.¹⁴ Қирғиз халқида ҳам ушбу мақол айнан мавжуд: *“Отту көөлөсөң өчөт, коңшуну көөлөсөң көчөт”*.¹⁵ Мақолда ифодаланган ўринли фикр ижтимоий-ҳаётий тажрибада синалиб, узоқ давр муомалада пишиб, сайқалланди, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

“Мерган овда билинар, ботир ёвда билинар”, *Кўп отган билан мерган бўлмас, кўп айтган билан чечан бўлмас*, *“Овчи қанча ов ҳийлаларини билса, айиқ ҳам шунча қочиш йўлларини билади”* каби ўзбек мақоллари ва қирғиз халқида *“Мергендин үйү этсиз калбайт”*, *“Мерген тилейт кийикти, Кийик тилейт бийикти”* мақоллари мерганлик, овчилик борасида яратилган ва ўша даврда ўз маъносида қўлланган.

Турли халқларнинг оғзаки ижод намуналари фондида ўша халқнинг яшаш тарзи, миллий ўзига хос табиати, тафаккур тадрижи намоён бўлади. Мақолларда географик, тарихий, иқтисодий, диний, маданий ва бошқа соҳалар ҳам акс этади.

Мақоллар бирор предмет, нарса-буюмни ёки ҳодисани англантиш учун эмас, балки мавжуд предмет, нарса-буюмни образли тавсифлаш, унга муносабат билдириш, баҳо бериш мақсадида, мақолни нутқий вазиятда қўллаётган ижтимоий қатламнинг нуқтаи назарини ифодалаш учун яратилади. Мақолларнинг образлилиги, ташбеҳнинг мавжудлиги,

¹⁴ Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: Т. Мирзаев, А.Мусакулов, Б.Саримсоқов. Масъул муҳаррир Ш.Турдимов. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 252.

¹⁵ Киргизско-русские пословицы, поговорки и изречения / Составил и перевел Сыргабек Шамбаев. – Фрунзе: Мектеп, 1979. – С. 242.

экспрессивлиги, баҳо-муносабатнинг акс этиши жиҳатидан нутқ янада ёрқин, эмоционал, образларга бой ва ифодали бўлади.

Образли тасаввур миллий маданиятни ифодалайди. Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларида кўпинча *от, қўй, товуқ, сигир* каби жониворлар учрайди. Демак, мақолларда ҳар бир халқнинг муайян турмуш тарзи, тафаккур даражаси, бадий, ижтимоий онг тадрижи яққол намоён бўлади.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларида отни мард, чинакам кучга эга йигит бошқариши айтилади:

“От минган олисни кўзлар”. Ёки: *“Олис йўл отни синар, Оғир йўл мардни синар”*, *“Оти бор – ботир, Оти йўқ – ёрти”*, *“От битди – қанот битди”*

Қирғиз халқ мақолларида: *“Ат сыноосу бир болот, эр сыноосу миң болот”*, *“Ат сыйлаган азамат жөө баспайт, эр сыйлаган эшикте жатпайт”*, *“Ат камчыдан жалтанат, эр намыстан жалтанат”*.

Бундай мақолларда мардлик, куч қувват, ватанпарварлик, жасурлик, жангчи от ва жангчи кураши намоён бўлади. Қадимги жангчилар учун ғурур, шон-шуҳрат катта аҳамиятга эга бўлган. Ҳақиқий жангчи жасур, мард, ватанпарвар бўлиши керак деб ҳисобланган. От жангчининг ҳамроҳи бўлган. Жангчи ва унинг оти ўз кучларини бирлаштирганлар. От урушларда муҳим роль ўйнаган. Курашлар натижаси отлик аскарга боғлиқ бўлган. Туркий халқларда биргина отлик ҳеч ким эмас, бир неча отлик эса куч демакдир, деган фикр қатъийлашган. Қуйидаги мақол ҳам шу асосда яратилган: *“Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас”*. Қирғиз халқ мақолида ҳам айнан ушбу мақол мавжуд: *“Жалғыз аттын чаңы чыкпайт, чаңы чыкса да даңқы чыкпайт”*.

Иккинчи фасл **“Урф-одат, удум, маросимлар билан боғлиқ муштарак мақоллар”** деб номланади. Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари, маросимлари, анъаналари мавжуд бўлади. Мақолларда акс этадиган урф-одат, анъана ва маросим белгилари миллийликни ҳам ўзида зухур этади.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг айримларини маросим, урф-одат ва маълум бир анъаналар натижасида пайдо бўлган дейиш мумкин. Маросимларни ўтказиш, албатта, сўз, хатти-ҳаракат воситасида амалга ошган.

Мақоллар мазмунидан ҳам муайян урф-одатга ишорани ёхуд маросим жараёнининг қайсидир вақтида айтилганини сезиш қийин эмас. Масалан, *“Азиз момо олти кун, Қалтираса – қатти кун, Сакранса – саккиз кун, Тўқранса – тўққиз кун, Ўқранса – ўн кун”* ёки *“Азиз бўлмай мазиз бўлмас”*, *“Азиз момо олти кун, қаҳри келса, қаттиқ кун”*, *“Аямажуз олти кун – олти ой қишдан қаттиқ кун”* каби мақоллар мавжуд. Мазкур мақолларда қадимги туркий халқларнинг космогоник қарашлари ўз аксини топган.

Одоб-ахлоқ ҳақидаги қарашлар, жамият ўртасидаги удум ва одатлар ўзбек ва қирғиз халқ мақолларида ҳам акс этади. Масалан, *“Отанг ўтирган*

уйнинг томига чиқма” мақолида отанинг табаррук зотлигини, у ўтирган уй томига чиқиш, худди унинг боши устида юрган билан тенг гуноҳ эканини англатади. Қирғиз халқида *“Отанг ўтирган уйнинг томига чиқма”* мақолининг айнан ўзи учрамаса-да, *“Атанын кадырын билбеген баланын башы кор болот”* (“Ота қадрини билмаган боланинг боши хор бўлади”) ёки *“Атанын каргышы балага ок, ерттөп ийчү чок”* (“Ота қарғиши болага ўқ, куйгузгувчи чўқ”) каби мақоллар мавжуд. Ҳар икки халқ мақолларида ҳам ота улуғланади, отага ҳурмат, эҳтиром, эъзозлаш, қадрини билиш, ота қарғишидан сақланиш сингари тарбиявий насихатлар уқтирилади.

Оилавий–маиший маросимлар фольклори акс этган мақолларда *тўй, мотам, йиғи-йўқлов, ёр-ёр, болани бешикка солиш* каби жараёнлар акс этади.

Биз таҳлилга тортган ўзбек ва қирғиз мақоллари бир-биридан фарқли бўлса-да, улар семантик жиҳатдан уйғун. Мақолларнинг семантик мазмун жиҳатидан яқинлиги бу халқларнинг педагогикасида ҳам ўзаро муштараклик борлигини кўрсатади.

“Ўзбек ва қирғиз мақолларининг бадиий талқини” деб номланган учинчи бобда, ҳар иккала халқдаги ўхшаш мақолларнинг образлар тизими, бадиий хусусиятлари, мақоллардаги бадиий тасвир воситаларининг матнда поэтик функцияси масалалари атрофлича тадқиқ этилган.

Ўзбек ва қирғиз халқи фольклор жанрлари поэтик хусусиятларига кўра ҳам муштарак. Бу халқларнинг мақоллари аждодларимизнинг бадиий тафаккури маҳсули бўлиб, улар муайян воқеликдан чиқарган ҳукм хулосаларини ифода этишда турли бадиий образлардан, усул ва воситалардан фойдаланган. Мақоллар поэтикаси масаласи муҳим ва мураккаб, бу жанрнинг ихчам шаклга эга бўлиши, бироқ ижтимоий-фалсафий мазмуни чуқур экани билан белгиланади. Шу пайтга қадар мақоллар тарихига оид айрим тадқиқодлар бўлса-да¹⁶, ўзбек ва қирғиз халқ мақолларини қиёслаш асносида уларнинг жанрлар таркиби, бадиияти масаласи алоҳида ўрганилган эмас.

Мақоллар поэтикаси ҳақида сўз борганда даставвал унинг шакл тузилишига тўхталиш лозим. Чунончи, ибратли ҳукм, хулосани бадиий воситалар орқали ифодалаш поэтиканинг бош масалаларидан бири ҳисобланади.

Мақолларнинг поэтик формаси шеърини ўлчов, ҳижо, қофия, ассонанс, эллипсис каби бадиий воситаларнинг қўлланишини текширишни талаб қилади. Ўзбек халқ мақоллари, шунингдек, қирғиз халқ мақоллари ҳам структурал жиҳатдан икки хил шаклга эга: насрий ва назмий.

Наср шаклидаги мақоллар оддий сўзлашув услубидан фарқланади. Бундай мақолларда образлилик ва шаклда ихчамлик бўлади. Ўғит бериш

¹⁶ Саримсоқов Б. Халқ тафаккурининг олмос қатралари / Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 1984. – Б. 336-350; Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент, 1978. – Б. 43-51; Шарафиддинов Х. Рифма и её функционально-стилистические особенности в структуре узбекских народных пословиц. Автореф. дис. канд. ... филол. наук. – Ташкент, 1986.

функциясига асосланган мақоллар осон ёдда қолиши учун ритмик жиҳатдан шаклланган бўлади¹⁷.

Икки халқ мақолларида образ яратиш ўзига хос тарзда намоён бўлади. Асрлар давомида сайқалланиб, мазмунан ва бадий жиҳатдан бойиб борган мақолларда турлича образлар тизими мавжуд.

Мақолларда муайян воқеликнинг ўзи эмас, балки шу воқеликдан келиб чиқадиган ҳукм-хулосалар қисқа шаклда, умумлаштириб ифода этилади¹⁸.

Мақолларда қўлланилган образлар олами ранг-баранг. Реал ҳаётий образлар, масалан, *эр, хотин, чол, кампир, бола, қиз, йигит, бой, камбагал, чўпон, чорвадор, подшо, қайнона, қайнота, келин, куёв, ака-ука, опа-сингил* кабилар. Мақолларнинг аксарияти даврий чегараланиш хусусиятига эга эмас. Образларнинг умумлашма тарзда бўлиши боис ҳам мақоллар ҳар қайси жамият, давр, мафкура шароитида ҳам сақланиб келади. Мақолларда жамиятнинг турли табақа, соҳа кишиларининг образлари ҳам учрайди. Масалан, *“Камбагални от устида ит қопар”, “Аёлнинг ҳусни пардозда эмас, ақлида”* ёки *“Пазанданинг гўжасидан ош чиқар, Ношуднинг паловидан тош чиқар”*.

Ўзбекларнинг *“Бой бойга боқар, Сув сойга оқар”* мақоли ёки қирғиз фольклоридаги *“Бай байга қуят, суу сайга қуят”* мақолида юқори табақага мансуб ҳисобланган бойларнинг ўз тоифаси билангина муносабатда бўлиши таъкидланган. Бундай мақоллар даврий чегараланишга мансуб эмас.

Айрим мақолларда учрайдиган киши номлари эса машҳур тарихий ёки афсонавий шахслар ёхуд халқ ўртасида катта шуҳрат қозонган киши номларидир. Масалан, қирғиз халқ мақолларидан: *“Токтоғулдай ырчы бол, Толубайдай сынчы бол”*. Қирғиз халқида машҳур Тўктоғул оқинни ёки Тўлибой синчини билмаган қирғиз йўқ. Ушбу оқин ва синчининг ҳунарига барча бирдек тан беради, оқин бўлса, Тўктоғулдек, синчи бўлса Тўлибойдай бўлсин-да дейилади.

Мақолларда образ яратиш тамойиллари жанрнинг специфик хусусиятлари билан боғлиқ. Мақоллар битта гап шаклида бўлганда ҳам умумий ҳукм-хулосани акс эттиради. Айрим мақолларнинг тузилиши икки компонентли бўлганда, биринчи компонент ўз маъносида келса, иккинчи компонент кўчма маънода қўлланади. Образ яратилиши эса маълумки, кўчма маъно акс эттириш билан боғлиқ. Масалан, *“Қамши сувдан тўймак, Ёмон хотин – тўйдан”* мақолида асосий мазмун худди қирғизларнинг *“Жаман катын мактанат, жарга тартып аттанат”* мақолидаги каби иккинчи компонентда ифодаланиб келишини кузатамиз.

¹⁷ Соатов Б. Взаимосвязь паремнологических жанров и поэтические особенности узбекских народных пословиц. – Ташкент: Фан, 1994. – С.86.

¹⁸ Имомов К., Мирзаев Т. ва бошқалар. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 96-97.

